

**Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида масофавий ўқитиш шаклида ташкил этиладиган Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик муахассисликка қайта тайёрлаш курсларида тингловчилар билимини назорат қилиш ҳамда битирув ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш бўйича
ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБ**

Мазкур Вақтинчалик тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5969-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон қарори, Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси йиғилишининг 11-сон баёни, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 27 мартдаги 233-сон буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 апрелдаги “Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида ўқув жараёнини масофавий шаклда самарали ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, коронавирус инфекцияси туфайли карантин даврида Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази (кейинги ўринларда – Марказ)да масофавий ўқитиш шаклида ташкил этиладиган Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик муахассисликка қайта тайёрлаш курслари (кейинги ўринларда – қайта тайёрлаш курслари)да тингловчилар билимини назорат қилиш ҳамда битирув ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вақтинчалик тартиб қайта тайёрлаш курсларида тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашда, шунингдек тингловчилар томонидан битирув ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилишда қўлланилиб, коронавирус инфекцияси туфайли жорий этилган карантин даври бекор қилиниб, тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш ҳамда битирув ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилишнинг амалдаги тартибига қайтиш тўғрисида ваколатли давлат орган(лар)и томонидан кўрсатма (топширик) берилгунига қадар амал қилади.

Қайта тайёрлаш курсларида 2020 йил 16 мартга қадар дарс машғулотлари олиб борилган ўқув режа ва дастурлар ўз кучида қолдирилиб, ўқув машғулотлари масофавий ўқитиш шаклида, амалда ўтилган дарс соатлари ҳажмидан келиб чиқиб давом эттирилади.

2. 2020 йил 16 мартга қадар ўтказилган назорат имтиҳонлари ва уларнинг натижалари масофавий шаклда ташкил этиладиган қайта тайёрлаш курсларида инобатга олинмайди.

3. Масофавий ўқитиш шаклидаги дарс машғуотлари Марказнинг Электрон платформаси, шунингдек кенг тарқалган таълим платформалари ва ижтимоий тармоқлар (Zoom, Web-ex, Telegram ва ҳ.к.) орқали олиб борилади.

Техник ва бошқа жиҳатдан имконияти йўқлиги сабабли масофавий таълим олиш имконияти мавжуд бўлмаган ёки масофавий таълим олишни истамаган тингловчиларга ўқишни навбатдаги қайта тайёрлаш курсининг тегишли қисмидан бевосита ўқитиш шаклида давом эттирига рухсат берилади.

4. Модуллар бўйича тингловчилар билимини баҳолаб бориш назорат жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

5. Тингловчи ўқув жараёни ва Марказ фаолиятига оид эълонлар, назорат топшириқлари ва бошқа маълумотларни Марказнинг интернетдаги расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари ҳамда Электрон платформа орқали мустақил танишиб боришга мажбурдир.

6. Тингловчилар Битирув ишини курс якунида ёзма шаклда тайёрлайди ва Давлат аттестация комиссияси мажлисида ҳимоя қилади.

2-боб. Тингловчилар билимини назорат қилиш ва назоратнинг объективлигини таъминлаш

7. Тингловчиларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасини давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қайта тайёрлаш курсларида тингловчилар билимини баҳолашнинг якуний назорат тури қўлланилади.

8. Якуний назорат муайян модуль бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларнинг тингловчилар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули ҳисобланади. Якуний назорат тингловчининг модуль ўқув дастурининг мазмунини ўзлаштирганлик даражаси, унинг мантиқий фикрлаши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш амалий кўникмалари, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари лойиҳаларини тузиш, муаммоли вазиятларни (кейс-стади) ҳал этиш, тизимли, танқидий таҳлил қила олиши, ўз фикрларини изчил ва аниқ баён қилиш қобилиятларини баҳолашга қаратилган.

9. Якуний назорат семестр якунида, тегишли модуль якунлангандан сўнг бир маротаба ёзма имтиҳон шаклида ўтказилади.

10. Ёзма имтиҳон саволлари, қоида тариқасида, мантиқий саволлар ва муаммоли вазиятларни ўз ичига олиши ёки битта кенг қамровли муаммоли вазиятдан иборат бўлиши мумкин. Ёзма имтиҳон саволлари бўйича баллар миқдори Марказ қарори билан тақсимланади.

11. Модуль бўйича якуний назорат саволлари тегишли модуль ўқитувчилари томонидан тузилади. Саволлар сони Марказ томонидан белгиланади.

Саволлар:

тингловчиларнинг ўтган ўқув йилларида тайёрланган ёзма ишлардан фойдаланиш имкониятини истисно қилиш учун заруратга кўра янгиланиши;

аниқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларига асосланган ва амалиёт билан бевосита боғлиқ бўлиши;

мазмунини модуль ўқув дастурига мувофиқ бўлиши;

Ўз ичига ўқув дастурини тўлиқ камраб олувчи материалларни мужассам қилган бўлиши;

тингловчиларнинг модулни ўзлаштириш даражасини, таҳлил қилиш кўникмаларини, мустақил фикрлаш ва келажакдаги касбий фаолиятларида мустақил қарорлар қабул қилиш қобилиятларини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим.

12. Тегишли модуль ўқитувчиси Марказ томонидан белгиланган муддатда якуний назорат саволларининг сифатли тайёрланиши ва Марказга тақдим қилинишини таъминлайди.

13. Якуний назорат жадваллари ҳақидаги маълумотлар Марказ Ўқув бўлими томонидан Марказнинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари ва Электрон платформага жойлаштирилади.

14. Тингловчи якуний назорат ёзма ишларини топшириш санасидан камида бир ҳафта олдин Марказ томонидан тақдим этилган саволлар ичидан ёзма иш тайёрлаш учун саволларни мустақил танлаш ҳуқуқига эга.

Бунда саволлар базасидан 2 та мантиқий савол ва 1 та муаммоли вазият танлаб олиниши ва уларга жавоб берилиши керак. Тингловчи ёзма ишни тайёрлашга ва назорат жадвалида белгиланган саналарга қатъий риоя қилган ҳолда электрон таълим платформаси орқали топширишга масъул ҳисобланади.

15. Тингловчининг якуний назорат ёзма ишининг ҳажми камида 1000 сўздан иборат бўлиши шарт.

Якуний назорат ёзма ишининг ҳажми ушбу бандда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган ҳолда мазкур иш учун рейтинг балли камайтирилиши мумкин.

16. Якуний назорат ёзма иши тингловчи томонидан компьютерда Microsoft Word дастурини қўллаган ҳолда, «Times New Roman» 14 шрифтда, 1,5 қаторлараро интервалда тайёрланиши ва А4 форматда PDF (Portable Document Format) шаклда сақланган бўлиши керак.

Саҳифа ўлчами: саҳифа мўлжали китоб шаклида, юқори ва пастки майдони — 2 см, ўнг тараф — 1,5 см, чап тараф — 3 см ни ташкил этиши керак.

Тингловчи белгиланган муддатларда ўз якуний назорат ёзма ишини ўзига ажратилган логин ва пароллар асосида Марказнинг Электрон платформасига интернет тармоғи орқали юборади. Логин ва паролларнинг махфий сақланиши ёки сақланмаганлиги оқибатида келиб чиқадиган барча ҳолатлар бўйича масъулият тингловчи зиммасида бўлади.

17. Тингловчи томонидан электрон платформага юборилган якуний назорат ишлари белгиланган муддат ичида алмаштирилиши ёки қайта топширилиши мумкин. Белгиланган муддат ўтганидан кейин якуний назорат ишларини алмаштириш ёки қайта топширишга йўл қўйилмайди. Якуний назорат ишларини ўз вақтида, белгиланган талаблар асосида юбормаганлик тингловчининг мазкур назорат ишига ноль балл қўйилишига асос бўлади.

18. Якуний назорат ёзма иши тингловчи томонидан мустақил равишда тайёрланиши шарт. Муаллифликни ўзлаштириш (плагиат)га йўл қўйилмайди. Ёзма ишда қоғоз ёки электрон кўринишда нашр қилинган ўзга матндан олинган манбаага ҳеч қандай ҳавола қилмаган ҳолда ишлатиш ёки олинган манбаага ҳавола қилинган бўлса-да, лекин ўзлаштиришларнинг ҳажми ва характери

тингловчининг ёзма ишни ёки унинг асосий қисмини мустақил ёзилганлигига шубҳа уйғотадиган даражада ўзлаштирилган бўлса плагиат деб топилади.

Плагиат икки хил кўринишда бўлиши мумкин:

ўзга матнни сўзма-сўз баён қилиш;

парафраза – ўзлаштирилган ўзга матннинг мазмунини ўзгартирмасдан сўз ва ибораларни алмаштириб баён қилиш.

19. Якуний назорат ёзма иш матнидаги ўзганинг муаллифлик ишидан олинган ҳар қандай матнда муаллиф, ишнинг номи ва ишнинг бошқа реквизитларини кўрсатган ҳолда ҳаволалар келтирилиши шарт. Якуний назорат ёзма ишини текширишда муаллифликни ўзлаштириш (плагиат) ҳолатлари аниқланиши, шунингдек икки ёки ундан ортиқ ёзма ишнинг мустақил ёзилганлигига шубҳа уйғотадиган даражада ўхшаш бўлиши ушбу барча ёзма ишларга ноль балл қўйиш ёки олдин қўйилган якуний назорат рейтинг баллини бекор қилишга асос бўлади.

20. Баҳоларнинг холислигини таъминлаш мақсадида Электрон платформага келиб тушган якуний назорат ишлари тингловчининг шахсини аниқлаб бўлмайдиган тарзда, автоматик равишда текширувчига бириктирилади.

21. Текшириш учун юборилган якуний назорат ишлари Марказ томонидан белгиланган муддатларда тегишли профессор-ўқитувчилар томонидан текширилади. Бунда, профессор-ўқитувчи ўзига ажратилган махсус логин ва парол асосида платформага кириб тегишли якуний назорат ишларини электрон равишда текширади ва тегишли рейтинг баллини қўяди. Профессор-ўқитувчига ажратилган логин ва паролларнинг махфий сақланиши ёки сақланмаганлик оқибатида келиб чиқадиган барча ҳолатлар бўйича масъулият профессор-ўқитувчи зиммасида бўлади.

Ёзма ишларни текширишга масъул бўлган педагог ходимлар рўйхати Марказ директори томонидан тасдиқланади.

Якуний назорат ишлари натижалари ва уларни асослантирувчи тақриз платформада электрон равишда акс этади.

22. Тегишли якуний назорат ишларига қўйилган баллар Электрон платформа орқали тингловчиларга эълон қилинади.

23. Текширилган якуний назорат ишлари Электрон платформада ўз аксини топади ҳамда ҳар бир тингловчига ўзининг шахсий кабинети орқали назорат ишлари натижалари ва уларни асослантирувчи тақризлар билан танишиш имконияти яратилади.

24. Текширилган ёзма ишлар платформа базасида бир йил мобайнида сақланади. Муддати ўтган ишлар йўқ қилинади.

25. Якуний назорат ёзма иши натижалари юзасидан апелляция шикоятлари берилишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

26. Тингловчининг ҳар бир модуль бўйича ўзлаштириш даражаси тингловчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини баҳолашнинг рейтинг тизими асосида балларда акс эттирилади.

27. Тингловчининг ҳар бир модуль бўйича ўзлаштириши 100 баллик тизим асосида бутун сонлар билан баҳоланади.

28. Тингловчининг модуль бўйича ўзлаштиришини баҳолашда қуйидаги намунавий мезонлардан (кейинги ўринларда – намунавий мезонлар) келиб чиқиш тавсия этилади:

а) 86 — 100 фоиз олиш учун тингловчи:

ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

илмий терминологиядан (шу жумладан, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодаланиши;

муаммоли саволларни аниқлаши, ўз ҳуқуқий позициясини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши;

модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши;

ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;

амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;

модуль ўқув дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;

ўрганилаётган модуль бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши;

бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;

б) 71 — 85 фоиз олиш учун тингловчи:

ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

илмий терминологиядан (шу жумладан, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодаланиши;

ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;

модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;

стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;

амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;

модуль ўқув дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;

ўрганилаётган модуль бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;

бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;

в) 55 — 70 фоиз олиш учун тингловчи:

давлат таълим стандартлари доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши; илмий терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши;

жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намоён қилишда қийналганда, модуль ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намоён этиши;

модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллаш олиши;

педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;

ўқиётган модуль бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;

семинар, амалий ва лаборатория машғулотида педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;

г) тингловчининг билим даражаси 0 — 54 гача баҳоланади, агар:

давлат таълим стандартлари доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;

илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса;

дарс машғулотида пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса;

амалий кўникмаларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.

4-боб. Якуний назоратни қайта ўтказиш ва рейтинг натижаларини рўйхатга олиш

29. Якуний назорат жадваллари ўқув режа асосида Марказ Ўқув бўлими томонидан тузилади ва Марказ директори томонидан тасдиқланади. Тингловчи белгиланган тартибда Электрон платформа воситасида ҳамда электрон равишда берилган эълонлардан якуний назорат иши натижаларини мустақил равишда билиб боришга мажбурдир.

30. Ҳужжат билан тасдиқланган узрли сабаблар туфайли иштирок якуний назоратни белгиланган муддатда топширмаган тингловчига Марказ директори томонидан қайта ўзлаштириш учун бериладиган беш кун муддатда якуний назоратни топширишга рухсат берилади.

Ҳар бир модуль бўйича якуний назоратдан муваффақиятли ўта олмаган тингловчига фақат бир мартаба қайта топширишга рухсат берилади.

Қайта топширишнинг аниқ муддатлари Марказ томонидан белгиланади.

31. Агар тингловчининг якуний назорат бўйича тўплаган балли ушбу модуль бўйича белгиланган умумий баллнинг 55 фоизидан кам бўлса, у академик қарздор ҳисобланади ва унга диплом берилмайди.

32. Якуний назоратни ўтиш рейтинг баллини кўтариш мақсадида қайта топширишга, қоида тарикасида, рухсат берилмайди.

33. Ўқув бўлими бошлиғи электрон платформа орқали тингловчига қўйилган баллар асосида тингловчининг модуллар бўйича тўплаган якуний баллари рейтинг қайдномасини тузади.

34. Тингловчининг модуль бўйича тўплаган баллари жамловчи рейтинг қайдномасига бутун сон кўринишида киритилади.

35. Тингловчининг рейтинги унинг билими, малакаси ва кўникмалари даражасини белгилаб беради. Тингловчининг умумий рейтинги барча модуллар бўйича тўплаган рейтинг балларини қўшиш йўли билан аниқланади.

5-боб. Битирув ишини тайёрлаш ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар

36. Битирув иши ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳуқуқий таҳлил қилишга, назарий билимлар ва амалий кўникмаларини, ҳуқуқий манбалар билан ишлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва қўллаш кўникмаларини мустаҳкамлашга ва кенгайтиришга қаратилган бўлиши лозим.

37. Тингловчи битирув ишини ёзиш учун Марказ директори томонидан тасдиқланадиган битирув иши мавзулари рўйхатида кўрсатилган мавзулардан бирини ёки ҳуқуқнинг долзарб масалаларидан келиб чиқиб ўзи мустақил мавзу танлайди.

38. Тингловчи томонидан танланган мавзу хусусиятидан келиб чиқиб, унга педагог ходимлар ёки амалиётчи мутахассислар орасидан илмий раҳбар – тютор бириктирилади. Тингловчининг битирув иши мавзуси ва унга бириктирилган илмий раҳбар – тютор Марказ директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

39. Битирув ишининг мазмуни ва белгиланган муддатларда тайёрланишига, шунингдек илмий раҳбар – тютор билан келишилган муддатларда ундан конструктив йўналишлар олишга тингловчи шахсан масъул ҳисобланади.

40. Илмий раҳбар – тютор: тингловчига битирув ишини тайёрлаш бўйича маслаҳатлар бериб боради;

битирув иши режасини тузишда тингловчига кўмаклашади;

битирув ишининг ўз вақтида тайёрланиши ҳамда белгиланган талаблар асосида тўғри расмийлаштирилишини назорат қилади;

битирув ишига хулоса беради.

Тингловчи ва илмий раҳбар – тюторнинг битирув ишини тайёрлаш юзасидан ҳамкорлиги электрон шаклда ташкил этилади.

41. Битирув иши қуйидаги таркибий қисмлардан:

мазкур Вақтинчалик тартибнинг иловасига мувофиқ шаклда титул варақ;

мундарижа;

кириш;

асосий қисм;

хулоса;

фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

иловалар (мавжуд бўлса) иборат бўлади.

42. Битирув ишининг кириш қисми қуйидагиларни:

битирув иши мавзусининг долзарблиги ва унинг асосланиши;

битирув ишининг объекти ва предмети;

битирув ишининг мақсади ва вазифалари;

битирув ишини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача ўзаро таҳлили; битирув ишининг назарий ва амалий аҳамияти;

битирув иши тузилмасининг тавсифини ўз ичига олади.

43. Битирув ишининг асосий қисми камида икки бобдан иборат бўлиб, боблар ҳажм жиҳатидан ўзаро мутаносиб бўлиши керак.

Асосий қисмида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

битирув ишини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илғор хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили;

битирув ишининг амалий қисми баёни.

44. Битирув ишининг хулоса қисмида мавзу бўйича умумлаштирилган хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар қисқа ва аниқ кўрсатилади.

45. Битирув ишига унинг мазмунини баён этиш учун бевосита зарур бўлган, мавзуга доир қўшимча маълумотларни ўз ичига олган материаллар илова қилиниши мумкин.

46. Битирув иши тингловчи томонидан мустақил равишда тайёрланиб, муаллифликни ўзлаштириш (плагиат)га йўл қўйилмайди. Битирув ишида қоғоз ёки электрон кўринишда нашр қилинган ўзга матндан олинган манбаага ҳеч қандай ҳавола қилмаган ҳолда ишлатиш ёки олинган манбага ҳавола қилинган бўлсада, лекин ўзлаштиришларнинг ҳажми ва характери тингловчининг ишни ёки унинг аксарият қисмини мустақил ёзилганлигига шубҳа уйғотадиган даражада ўзлаштирилган бўлса плагиат деб топилади. Бундай вазиятда тингловчининг битирув иши 0 балл билан баҳоланади.

47. Тадқиқот ишида фойдаланилган илмий-амалий мақолалар, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, суд қарорлари ва бошқа амалиёт материаллари, хорижий тиллардаги адабиётлар таҳлили тўлиқ, шунингдек уларда билдирилган фикрлар юзасидан тингловчининг танқидий ёндашуви мавжуд бўлиши, хулосада илгари сурилган тавсиялар эса битирув ишининг асосий қисми билан узвий боғлиқ бўлиши лозим.

6-боб. Битирув ишини расмийлаштириш ва ҳимояга тақдим этиш

48. Битирув ишининг матни 40 саҳифадан кам бўлмаслиги тавсия этилади. Бунда фойдаланилган адабиётлар ва иловалар битирув ишининг умумий ҳажмига кирмайди.

49. Битирув иши тингловчи томонидан компьютерда Microsoft Word дастурини қўллаган ҳолда, «Times New Roman» 14 шрифтда, 1,5 қаторлараро интервалда тайёрланиши ва А4 форматдаги оқ қоғозда бир томонлама принтердан чиқарилган бўлиши керак.

Саҳифа ўлчами китоб шаклида, юқори ва пастки майдони – 2 см, ўнг тараф – 1,5 см, чап тараф – 3 см ни ташкил этиши керак.

50. Битирув ишининг бетлари изчил кетма-кетликда рақамланиши лозим, бунда иловалар алоҳида рақамланади. Бетнинг тартиб рақами варақнинг пастки ўнг бурчагида 2 рақамдан бошлаб ёзилади. Биринчи бетида 1 рақами кўйилмайди. Хатбоши беш-олти белгига тенг ва бир хилда бўлиши лозим.

51. Битирув иши тингловчининг танлови бўйича ўзбек, рус ёки инглиз тилларидан бирида тайёрланади.

52. Давлат аттестация комиссияси ўтказилишидан, қоида тариқасида, икки ҳафта олдин Марказ директорининг буйруғи билан тингловчилар томонидан битирув ишини ҳимоя қилиш бўйича дастлабки ҳимояни ўтказувчи, таркиби Марказ ходимлари ва тингловчининг илмий раҳбарлари – тўторлардан иборат бўлган комиссия тузилади. Комиссия фаолиятига Марказ директори раҳбарлик қилади.

53. Дастлабки ҳимояда тингловчи томонидан тайёрланган ва электрон шаклда Марказ платформасига юборилган тўлиқ ҳолатдаги тадқиқот иши Вақтинчалик тартиб талабларига мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқилади.

Дастлабки ҳимоя интернет тармоғида онлайн мулоқот шаклида ўтказилади.

Дастлабки ҳимояда комиссия тингловчининг тадқиқот ишини электрон равишда текширади, тингловчининг тайёргарлигини ўрганади, камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар беради.

Дастлабки ҳимояга ўз тадқиқот ишини топширмаган ёки битирув иши қониқарсиз деб топилган тингловчига Давлат аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилишга рухсат этилмаслиги мумкин.

54. Тингловчи Давлат аттестация комиссияси ўтказилишидан камида бир ҳафта олдин битирув иши тақдимоти учун (оғзаки усулда) 5-10 дақиқалик ўзи иштирокидаги видеоёзувни (тақдимотни), шунингдек электрон кўринишдаги битирув иши ва илмий раҳбар хулосаси (барчаси PDF форматда) ни Марказга тақдим қилади.

Ўз вақтида топширмаган тингловчилардан битирув иши фақат Марказ директорининг рухсати билан қабул қилиниши мумкин.

Тингловчи томонидан юборилган видеоёзув ва битирув иши (илмий раҳбар хулосаси билан бирга) Марказ томонидан Давлат аттестация комиссиясига электрон равишда тақдим этилади.

7-боб. Битирув ишини Давлат аттестация комиссиясида ҳимоя қилиш ва баҳолаш тартиби

55. Тингловчиларнинг битирув ишини ҳимоя қилиш шаклидаги Давлат аттестациясини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи билан Давлат аттестация комиссияси тузилади.

56. Давлат аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш Марказ директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади.

57. Битирув иши ҳимояси Давлат аттестация комиссиясининг интернет тармоғида, офлайн ва онлайн мулоқот қилиш режимидаги мажлисларида ўтказилади ҳамда комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

58. Комиссия ўз фаляитини масофадан туриб амалга ошириши ҳамда келиб тушган видеоёзув ва битирув ишини онлайн ёки офлайн режимда кўриб чиқиши мумкин.

59. Давлат аттестация комиссияси битирув ишига қўйилган талабларга риоя қилинганлигини аниқлаш ва баҳолашда мазкур Вақтинчилик тартибнинг 5-6-бобларида назарда тутилган қоидаларга амал қилади. Комиссия азоларида тингловчи томонидан юборилган материалларни таҳлил қилиш ва битирув ишини баҳолаш билан боғлиқ ҳолатларда саволлар келиб чиқса, тингловчи билан алоқа воситаси орқали мулоқотга киришиш мумкин.

60. Битирув иши Давлат аттестация комиссияси томонидан 100 баллик тизим асосида бутун сонлар билан баҳоланади. Бунда:

Битирув иши мазмуни ва расмийлаштириш талабларига;

Битирув иши тақдимотиغا;

Битирув иши оғзаки ҳимоясига асосланилади.

Битирув иши бўйича тўпланган балл белгиланган умумий баллнинг 55 фоизидан ортиқ бўлганда тингловчи қониқарли баҳоланган деб ҳисобланади.

61. Ҳимоя жараёнида Давлат аттестация комиссиясининг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил равишда ҳар бир тингловчига алоҳида балл қўяди. Комиссия котиби томонидан умумлаштирилган ва тингловчига қўйилган якуний балл шу куннинг ўзида тингловчиларга электрон равишда эълон қилинади. Давлат аттестация комиссиясининг бутун фаолияти ва тингловчиларга қўйилган баллар мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади.

62. Давлат аттестацияси якунлари бўйича қониқарсиз баҳо олган тингловчиларга кейинги қайта тайёрлаш курсида такроран топширишга имконият берилади. Такроран битирув ишини ҳимоя қилишни истаган талабгор кейинги қайта тайёрлаш курси Давлат аттестация комиссияси ўтказилишидан бир

ой олдин Марказ директори номига ариза билан электрон равишда мурожаат қилади. Бундай ҳолатда такроран топшириш имконияти фақат бир марта берилади.

63. Битирув иши ҳимояси натижалари юзасидан апелляция шикояти берилишига йўл қўйилмайди.

64. Ҳимоя қилинган битирув ишларининг электрон варианты Марказда бир йил давомида сақланади.

8-боб. Яқуний қоидалар

65. Мазкур Вақтинчалик тартибда белгиланган қоидаларнинг қўлланилиши бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

66. Мазкур Вақтинчалик тартиб Тошкент давлат юридик университети Кенгаши қарори билан тасдиқланган.

Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида
масофавий ўқитиш шаклида ташкил
этиладиган Олий маълумотга эга бўлган
шахсларни юридик муахассисликка қайта
тайёрлаш курсларида тингловчилари
билимини назорат қилиш ҳамда битирув
ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш бўйича
Вақтинчалик тартибга
ИЛОВА

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

**МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ ШАКЛИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ОЛИЙ
МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ЮРИДИК
МУТАХАССИСЛИККА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИ**

_____нинг
(Тингловчининг Ф.И.Ш.)

_____мавзусида ёзган

БИТИРУВ ИШИ

Илмий раҳбар – тутор: _____
(Илмий раҳбар – туторнинг Ф.И.Ш., лавозими ва унвони)